

МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗОНИНГ ИРФОНИЙ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА

Файзуллаева Райҳон Абдуллаевна

ҚарДУ Адабиётшунослик кафедраси, ф.ф.ф.д.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052350>

Аннотация: Мақолада XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида ижод қилган Муҳаммад Расул Мирзо шеъриятининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ва адабий меросининг гоёвий-бадиий, поэтик жиҳатларини очиб беришга эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: девон, газал, образ, услуб, тасвир, ташбеҳ.

Резюме: В статье хорезмская литература конца 19-начала 20 вв. Узбекская классическая поэзия Мухаммада Расула Мирзы, творившая в его среде показать его место в истории развития литературы и литературного внимание к раскрытию идейно-художественных, поэтических аспектов его наследия направленный.

Ключевые слова: диван, газель, диван, газель, образ, стиль, аллегория.

Resume: In the article, Khorezm literature of the late 19th and early 20th centuries Uzbek classical poetry of Muhammad Rasul Mirza, who created in his environment to show its place in the history of the development of literature and literary attention to revealing the ideological-artistic, poetic aspects of his heritage directed.

Key words: divan, ghazal : (form of a poet), image, style, image, allegory.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ислом дини гоёлари, қарашлари ва фалсафасидан айри ҳолда тадқиқ қилиб бўлмайд. Буни мусулмон Шарқида яратилган туркий адабиётнинг илк намунаси бўлган “Қутадғу билиг”дан бошлаб бугунги адабиётга қадар турли кўринишда тасвирланаётганини кўриш мумкин. Мумтоз адабиётимизнинг улуғ сиймоси Навоий ижодининг ана шу хусусияти тўғрисида адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг қуйидаги хулосалари эътиборли: “Шарқ ўрта асрлари муҳитида Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг ва унинг асарларининг “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Далиллар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса унинг асарларининг катта ва умумбашарий мазмун касб этишига олиб келган. Масалан, “Ҳадис”ларда “Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас”, “Ўзингга назар қил, сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан кўркиш ва тақво билангина фазилатларинг зиёда бўлиши мумкин”²². Айни шу мазмундаги қарашлар

²² Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 35.

таниқли адабиётшунос олимлар А.Қаюмов ва А.Рустамийлар томонидан ҳам эътироф этилади²³. А.Рустамий бу мазмундаги асарларнинг маърифий характерга эга эканлигига алоҳида урғу беради²⁴. Шундан келиб чиқиб, Мирзо қаламига мансуб диний мавзудаги асарларининг маърифий характерини ҳам инобатга олган ҳолда, ирфоний мавзу сифатида талқин қилиш лозим.

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида ижод қилган Муҳаммад Расул Мирзо ижоди яратилган кам сонли тадқиқотларда, асосан, унинг ишқий мазмундаги шеърлари таҳлилга тортилади. Ирфоний ва ахлоқий характердаги шеърлари “унутилади” ёки давр мафқураси таъсири остида танқид қилинади. Шоир ижодининг мундарижасига диққат қилсак, унда мазкур мазмунда яратилган шеърларнинг салмоғи сезиларли эканини кўрамиз.

Шоирнинг *ирфоний* мавзудаги асарларини ҳамд, муножот, наът ва ахлоқий мазмундаги шеърлар гуруҳига бўлиш мумкин.

Мирзонинг ҳамд мазмундаги “Пайдо”, “Анга” радифли ғазаллари ва бир қатор мухаммаслари айни пайтга қадар мутлақо ўрганилмаган ҳамда жорий имлода берилган кам сонли шеърлар орасидан ҳам ўрин олмаган. Ваҳоланки, Мирзо адабий меросида диний мавзу ҳажм ва мазмун жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. Қолаверса, шоирнинг ирфоний шеърлари ушбу мавзуда яратилган асарларнинг сара намуналари бўлиб, асосан, ҳамд ва наът мазмундаги ғазал ва мухаммаслардан иборат. . Маълумки, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар адабиётида ҳар бир йирик асар – девону тазкиралар, баёз ва йирик ҳажмдаги лиро-эпик асарлар, албатта, Оллоҳ таолога ҳамд ва муножот билан бошланган. Шарқда девон тартиб беришда ҳам, аввало, ҳамд мазмунидаги ғазалларнинг берилиши асосий мезонлардан эди. Ҳатто айрим ижодкорларда қофия ёки радифи ҳар бир ҳарф остидаги ғазалларнинг дастлабкиси ҳамд, муножот ва наът билан бошлангани маълум. Хусусан, Навоийнинг ўз девонлари тўғрисидаги эътирофи фикримизни далиллайди: “...ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазалини ё Тангри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига долл бўлғай, муваззах қилинди”²⁵.

Мирзо девони ҳам анъанага мувофиқ “Пайдо” радифли ҳамд ғазал билан очилади. Ер юзида барча нарса, жамики яратилганнинг аввали(ибтидо) ва охири(интиҳо) бор. Шу жумладан, одамнинг ҳам. Буларнинг барчаси биргина сўз билан бунёд бўлди. Азалда буларнинг ҳеч бири мавжуд эмаслигига ишорат қилади. (Зиҳи аввалки йўқдур аввалига ибтидо пайдо, Анингдекдурки, эрмас охирига интиҳо пайдо.) Шоир бу ўринда Аллоҳ таолонинг “Асмой ҳусна” сирасидаги икки сифати – **ал-Аввал** (У ҳамма нарсадан аввал, яъни барча мавжудотлар йўқлигида мавжуд эди. Мавжудотларни “Аввал” сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди. Яъни Аллоҳ келишининг бошланиши йўқдир) ва **ал-Охир** (У ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади) бадийий ният рўёби учун маҳорат билан фойдаланади.

Бу радиф билан ғазал ёзган ижодкорлар кўп бўлиб, Алишер Навоий ва Фузулийдан сўнг Огаҳий, Феруз, Комил ва Мирзога замондош шоирларнинг деярли барчасида учрайди. Эътиборлиси, бу радиф билан тугайдиган ғазалларнинг барчаси

²³ Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. Асарлар. 1-жилд, 1-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б.10-12. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 64-66.

²⁴ Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 65.

²⁵ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20-21.

ҳамд руҳида ёзилган бўлиб, ҳар бир шоир олам ва одам Яратувчисининг салоҳиятини ўз бадиий маҳорати қадар таърифлашга интилдигани англашилади.

Огаҳий:

Зиҳи жонларға васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо²⁶.

Феруз:

Зиҳи бордур зухурингға азал бирла абад пайдо,
Тафаккур айлабон Зотинг, қила олмас хирад пайдо²⁷.

Комил:

Зиҳи ҳуснунг гулиға йўқ баҳори ибтидо пайдо,
Ҳам эрмас бу баҳорингға хазони интиҳо пайдо.²⁸

Кўринадики, Мирзо мумтоз адабиётда шаклланган девонларни ҳамд билан бошлаш анъанасига риоя қилади ва унга муносиб жавоб айта олади.

Мирзонинг Огаҳий қаламига мансуб “Пайдо” радибли (юқорида матлаъси келтирилган) ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам ҳамд мазмунида яратилган.

Зиҳи, оламда йўқдур сандин ўзга ҳеч Раб пайдо,
Бори зокирға зикринг эмнидин олий ҳасаб пайдо.
Бўлур сандин оларға иффату хилму адаб пайдо,
Зиҳи, жонларға васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гаҳи дарди фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо. [33^б-36^а]

Тахмисда иймон-эйтиқодли банданинг Яратганга бўлган чексиз муҳаббати, шукронаси ва тавозуъси мадҳ этилади. Мирзо устозининг илгари сурган фикрларини, диний-ирфоний қарашларини давом эттира олган. Бир қарашда тахмис ягона қалам остидан чиққан мустақил асар каби тасаввур беради. Шу ўринда яна бир жиҳатга диққат қаратиш лозим. Мирзо тахмис бандларида қўшилган уч мисранинг бошланиши (аникроғи биринчи сўзи) да ғазал байтининг илк сўзини айнан келтиради. Биринчи бандда “зиҳи” (“қандай яхши”, “қандай гўзал”) ундовининг икки ўринда қўлланиши байтга қўшилган учликлар шаклан бир бутунлик ҳосил қилиш билан бирга моҳиятнинг мукамаллигига хизмат қилган. Буни тахмис сўнгги бандида ҳам кузатамиз:

Тонг эрмас, айласанг Мирзони зикринг зокиридинким,
Ҳавойи нафсни билкулл чиқарсанг хотиридинким,
Ғубори жаҳлни қилсанг адам кўнгли еридинким,
Нетонг, огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг сиридинким,

²⁶ Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б. 51.

²⁷ Феруз. Элга шоху ишққа қул. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 91.

²⁸ Девони Комил. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв 1949. 16-варақ.

Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо. [36⁶]

Мирзо ижодида ушбу йўналишда яратилган асарлар қаторига муножотларни ҳам киритиш мумкин. Муножот Шарқ халқлари адабиётида лиро-эпик асарларнинг анъанавий кириш қисмида алоҳида боб сифатида қўлланган бўлса, девонларда одатда ҳамдан сўнг келадиган ғазаллар ва тартиб билан жойлаштирилган бошқа жанрларга оид “ёлвориш”, “илтижо” мазмунидаги шеърлардир. Шайх Аҳмад Тарозий таъбири билан айтганда, муножот “Тенгри ҳазратинда тазарру қилмоқ”²⁹дир. Мирзонинг ушбу мавзудаги ғазаллари худди шу руҳда ижод этилган. “Бу хилдаги ғазалларда Оллоҳнинг борлигию бирлиги, буюк қудратию чексиз саховати, раҳматининг беададлигию лутфининг беқиёслиги, Унинг улуғ сифатлари мадҳ этилади”³⁰. Масалан, шоир Оллоҳга муножот руҳидаги “Илоҳо” радифли ғазалида бундай ёзади:

Илоҳо, гарчи журмимдур фаровон,

Вале афв айласанг оллингда осон. [27⁶]

Инсоннинг ўз гуноҳлари кўплигидан надомати, бунинг афви учун Яратганнинг раҳматидан умидворлиги исломий эътиқоднинг асосий мезони. Бу ҳақда Қуръони каримнинг “Шўро” сураси 25-оятида ўқиймиз: “Унинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур”. Негаки, Унинг сифатларидан бири – бўлган ва бўладиган, аввалги ва охириги, зоҳир ва ботин, умуман, ҳар бир нарсани билувчи(ал-Алийм)дир:

Илоҳо, борча сиррим санга маълум,

Эрур гар зоҳир ўлсун, хоҳ пинҳон.

Муножот-ғазалларда, одатда, шоирнинг ўзи ягона лирик қаҳрамон вазифасини бажаради. Ушбу ғазалда ҳам худди шундай. Ўзини гуноҳкор ҳис этиш, бунинг учун тавбада бўлиб, Яратгандан маҳшар кунда шарманда қилмаслигини илтижо қилиш – мўминга хос сифат.

Илоҳо, мунда бир инсоф тавфиқ,

Ато қил рўзи маҳшар нури иймон.

Ғазалнинг мақтаъсида шоир қалб кечинмаларини хотималаб, доимо Аллоҳнинг лутфи ва марҳаматидан умидворлигини баён этади:

Илоҳо, айлабон лутфингдин уммид

Эрур Мирзо ҳамиша зору гирён.

Профессор Н.Жабборов эътироф этганидек, “Муножот – ўз моҳиятидан огоҳ инсоннинг Яратганга илтижоси. Ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида айтмайдиган иқрорномаси”³¹. Бу фикрни Мирзо шеърлятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ушбу 11 байтдан иборат ғазалнинг композициясига диққат қилинса, ундаги ҳамма байт “Илоҳо” илтижоси билан бошланади.

²⁹ Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил, №1. – Б. 76.

³⁰ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 184.

³¹ Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. док-ри...дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 129.

Шоир ижодида “Илоҳо, ғарқ ўлуб исён аро ман” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ҳам барча байти(12) шу сўз билан бошланади. Ва, табиийки, шоир ҳар икки ғазалда бетакрор поэтик мазмун билан мукамал шаклни уйғунлаштира олган.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ижод қилган деярли барча адиблар ижодида Муҳаммад с.а.в.ни васф этиб яратилган асар(наът)ни учратиш мумкин. Девон тартиб бериш мезонларига мувофиқ наът, асосан, ғазалларда учрайди. Уларнинг мазмунига диққат қилинса, Муҳаммад с.а.в. энг улуғ ва комил инсон сифатида таъриф-тавсиф қилинади. Ғазалларда нафақат пайғамбар с.а.в. мадҳи, балки юксак ахлоқий ғоялар, инсоний фазилатлар ҳам тарғиб қилинганига гувоҳ бўламиз. “Ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуғ хулқ соҳиби экани, хайру саховати, жасорат ва шижоати, етимларга шафқати, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади”³². Мирзонинг наът ғазали ҳам Муҳаммад с.а.в.нинг улуғ сифатлари билан бошланади:

Беҳад салом онгаки, эрур шоҳи анбиё,

Маъмури амр ўлурга русулдур онга сипоҳ. [2^a]

Барча пайғамбарлар раҳбари бўлган улуғ зотга саловот ва саломлар бўлсинки, улар (расуллар) бу зотнинг амрларига бўйсунувчи сипоҳларидир. У зотга бошқа пайғамбарларга берилмаган кароматлар насиб этди. Хусусан, “Меърож” воқеасида рўй берган ҳодисалар шулар сирасидандир.

Чун айлади карам анга Ҳақ рутбаи уруж,

Ул тун жамоли шамъи била бўлди пурзиё.

Ҳақ таоло пайғамбар алайҳиссаломга Ўз ҳузурига кўтарилиш мартабасини (рутбаи уруж) берди. Ўша тунда у зотнинг юзларидан таралаётган нурдан бутун олам чароғон бўлди.

Пайғамбаримиз Меърож мўъжизаси орқали тириклик пайтларидаёқ Оллоҳ васлига мушарраф бўлганлар. Шунинг учун ҳам энг комил инсон – Муҳаммад с.а.в.³³. Мирзо бу зотнинг руҳонияти билан боғлиқ воқеа ва сифатларни ғазалда истифода этар экан, бунда ижодкорнинг мустаҳкам эътиқоди ва руҳияти ҳам намоён бўлади.

Тонг йўқ, жаҳон эли бори фахр этса онгаким

Раҳмат демиш вужудини Ҳақ оламин аро.

Раҳм айлабон жазо куни Мирзони ҳолиға

Қилғил шафоат, эй бори мурсалинға пешво.

У билан бутун олам эли ифтихор қилса, ажаб эмас. Негаки, Ҳақ таоло у зотни “Раҳматан л-ил-оламин” (Икки оламнинг раҳмати) дея лутф қилди.

Одатда, наът ғазаллар хотимасида Муҳаммад с.а.в.нинг Маҳшар кунида ўз умматлари учун Яратгандан шафоат сўрашлари акс этади. Мазкур ғазал мактаъсида

³² Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти// “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар” китобига сўзбоши. – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – Б. 3.

³³ Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 109.

ҳам шоир пайғамбарлар пешвосининг Қиёмат кунида ўз ҳолига раҳм қилиб, шафоат қилишини сўрайди.

Мирзонинг Муҳаммад с.а.в.га наът мазмунидаги шеърларидан яна бири мухаммас жанрида битилган. Матлаъси:

Эй, ҳидоят авжи узра меҳр янглиғ жилвагар,
Бордурур кадринг била меҳри нубувват номвар,
Остонинг туфроғи даҳр аҳлиға куҳлу-л-басар,
Ё Муҳаммад мустафо, ё саййиди хайрул башар,
Раҳматан-лил-оламин пайғамбари воло гуҳар. [36^б]

Мазкур мухаммасда Муҳаммад с.а.в.нинг “Раҳматан лил-оламин”, “Саййиди хайрул башар”, “расули мўътабар” каби сифатларига ишора қилади, “Шаққу-л-қамар” (Мўъжизотинг ошкоро айлади шаққу-л-қамар), “Лайлату-л-меърож” (Лайлату-л-меърож бурҳон келди улвий шонига) сингари мўъжизалар тасвиридан кенг ва моҳирона фойдаланади.

Наът ғазалда ифодалангани каби ушбу мухаммасида ҳам асосан, ўзининг гуноҳкорлигидан надомат қилиш, Муҳаммад с.а.в.нинг қиёмат кунида ўзи учун шафоатхоҳ бўлишидан умидворлик мотивлари етакчилик қилади. Мухаммаснинг хотима банди фикримизни тасдиқлайди:

Ё Наби, Мирзо гунаҳ остида бордур дарднок,
Кўнгли маҳзун кўз тутуб сандин шафоат, кўкси чок,
Қил анга кўз учи бирла илтифот, эй нури пок,
Равнақи маҳзун маосийдин баче бўлмиш ҳалок,
Еткур онинг комиға нўши шафоатдин шакар.

Мирзонинг юқорида мурожаат қилинган мавзулардаги шеърларини аниқлаш ва истифода этиш шоир ижодий мероси, унинг қарашлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларимизни тўлдириши билан бирга мумтоз адабий меросимиз хазинасини ҳам бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. -690 б.
2. Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. -692 б.
3. Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. -160 б.
4. Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил, №1- б.
5. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 194 б.